



Вақиғлиқ ва ишончнома түшүнчеси

Вакиллик



Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қиласиади

Ваколат ва унинг турлари





Вакил унга берилган ваколатлар доирасида иш юритади ва ўзини вакил килувчига нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қиласида. Бинобарин, ваколат деб вакилнинг бошқа шахс номидан муайян юридик ҳаракатлар қилишига ва шу билан у учун ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришига қаратилган ҳуқуқ тушунилади. Вакилнинг ваколатлари қонунга, суд қарорига, вакил қилинган давлат органларининг ҳужжатига ёки ишончномага асосланган бўлиши мумкин.

Муомалага лаёқатли шахслар номидан вакиллик қилиш

Муомалага лаёқатли шахслар ўзлари танлаган вакиллар орқали битимлар тузишлари мумкин, битим ўз характеристига кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Муомалага лаёқатсиз шахслар номидан вакиллик қилиши



Муомалага
лаёқатсиз
фуқаролар
номидан
битимларни
уларнинг ота-
оналари,
фарзандликка
олувчилари ва
васийлари
тузадилар.

Ишончнома

- Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.
- Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

УМУМИЙ КИСИМ



Умумий ишончномада хар хил битимлар ва бошқа юридик харакатлар қилиш, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг филиалларини идора этиш ёки фуқарога қарашли мулкни бошқариш учун 'берилган ваколат кўрсатилади,

МАХСУС КИСИМ



Махсус ишончнома бир турдаги битимларни қилиш, масалан, жамоа хұжаликлари ва уларнинг аъзоларидан қишлоқ хұжалик маҳсулотларини хариd қилиш бүйича битимлар түзиш учун ваколат белгиланади. Фақат бирон-бир битимнигина түзиш, масалан, сотиб олиб ажратиб қўйилган товарни олиш учун берилган ишончнома биргаликдаги махсус ишончнома ҳисобланади. Ишончномада унинг қачон берилганлиги кўрсатилиши лозим, акс ҳолда у хақиқий саналмайди. Ишочнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлиб бир йил мобайнида ўз кучини сақпайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома қақиқий эмас

Юридик шахснинг ишончномаси

- Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) босилади.
- Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринbosарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса – ишчи ва хизматчиларнинг, улар оиласарининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно

Ишончнома ФКнинг 141-моддасида кўрсатилганидек, қуидаги ҳолларда бекор бўлади

